

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 8-iyul / № 23 (4682)

МУНОСАБАТ

Асрлар мобайнида ўзбек ва қорақалпоқ халқлари бир тану бир жон бўлиб истиқомат қилган. Улар тақдирнинг аччиқ-чучуғи, қувончу ғамини баҳам кўриб келаётган ягона элдир. Сўнгги кунларда рўй берган мудҳиш воқеаларнинг бошида турганлар бунинг унутулган. Яхшиям фитнанинг олди олиниб, зулмга ўз вақтида чек қўйилди. Афсуски, қони қайноқ ёшлар провакациянинг кўғирчоғи, кези келганда, қурбони бўлиб қолдилар. Эҳтимол, улар ҳам бундай бўлишсини, беайб инсонлар жабр кўришини истамагандир. Ҳа, ҳиссиётлар тафаккурсиз тўғри йўлга бошлайвермайди, Нукусдаги воқеалар бунинг яққол исботи.

ВАТАНИМНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳодиса юз берган жойга бир эмас, икки марта борди. Ўзбекистон халқига мурожаат қилди. Нукус шаҳри ва туманидаги «Жекетерак» маҳалласи ва «Саманбай» овул фуқаролар йиғинларида бўлиб, халқ билан мулоқот қилди. Тан олиш кераки, сўнгги беш йилда Қорақалпоғистон Республикасида ҳазилакам бунёдкорлик ишлари амалга оширилмади. Худуднинг маҳаллий бюджетига қарийб ўн бир триллион сўм маблағ йўналтирилди. Биргина 2020 йил якуни бўйича Қорақалпоғистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи даромад уч баробарга ошган. Қурилиш ишлари ҳажми уч чрим марта ўсган. Унлаб янги заводлар, замонавий агрокластерлар, қўшма корхоналар ишга туширилган. Кўплаб болалар боғчалари, мактаблар, олийгоҳлар, соғ-

лиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт масканлари барпо этилган. Бугунги кунда ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича муҳим дастурлар амалга ошириляпти. Хусусан, «темир дафтар»га киритилган олтинчи беш мингга яқин оилага, болаликдан ногирон аъзоси бўлган ҳамда боқув-чисини йўқотган ўн етти минг оилага моддий ёрдам кўрсатилган. 2017 йил қорақалпоғистонлик болаларнинг 32 фоизи боғчага қамраб олинган бўлса, айни кунда бу кўрсаткич 75 фоизга етган. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» Давлат дастурлари доирасида Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, аҳолини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, ирригация ва мелиорация тармоқларини яхшилаш бўйича ҳам кўламли

ишлар амалга оширилмоқда. Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини ҳимоя қилиш ва тиклаш, худудни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Хусусан, Мўйноқ бугун бутунлай янгича қиёфа касб этиб, жадал ривожланмоқда. Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Денгизнинг қуриган қисмида 1 миллион 733 минг гектар майдонда яшил худудлар барпо этилди. Худуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклаш бўйича беш йиллик миллий дастур ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи орқали Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини ўртага ташлаб, халқаро ҳамжамиятни Орол денгизи буткул қуришининг олдини олишга чақирди. БМТ томонидан Орол фожиясидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича 2017 йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши лозимлигини таъкидлади. Мамлакатимиз ташаббуси билан Оролбўйи минтақаси учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст фонди тузилди. Умид қиламизки, ушбу фонд оғир экологик худудда яшаётган аҳо-

лига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ҳамжамиятнинг таянч платформаси бўлиб хизмат қилади. Айниқса, Ўзбекистон Президентининг таклифига биноан 2021 йили БМТнинг Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилингани алоҳида таъкидлаш жоиз. Хўш, бу сўй-ҳаракатлар, жоннисор чиқишлар нима учун? Айтиш кераки, буларнинг замирида, энг аввало Қорақалпоғистоннинг, қорақалпоқ халқининг манфаати ётибди.

— Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар бундан буён ҳам, албатта, давом эттирилади. Чунки Қорақалпоғистоннинг тақдири, бу — Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги, бу — бутун ўзбек халқининг бахти ва фаровонлигидир, — деди Шавкат Мирзиёев 3 июль кунини Қорақалпоғистонда видеоселектор тарзида ўтказган йиғилишида. Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари янги Ўзбекистоннинг қўш қанотидир, янги марраларни кўзловчи икки кўзи, икки қошидир. Олис ўтмишнинг ўзи икки халқ тақдирини бир мамлакатда туташтириб қўйган. Шунинг учун ҳам ўзбек ва қорақалпоқ халқлари тинчлик, бирдамлик ва хотиржамликни энг улуғ неъмат сифатида қадрлайди, она Ўзбекистон олтин фонди бўлган ўз ёшларини, навақирон авлодини ҳеч кимга бериб қўймайди.

Отабек ИСРОИЛОВ, журналист

ЖАЙХУН ШАМОЛЛАРИ

Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуповга

Соғинчларин изҳоридай
Очилдилар жамоллари,
Гул қизларнинг ифоридай
Эсар Жайхун шамоллари.

Қатлам-қатлам қалб ерлардан,
Қалъалардай алп диллардан,
Муҳаббат исли эллардан
Эсар Жайхун шамоллари.

Навоийда — «Наҳр ул-ҳаёт»,
Берунийни берган Қиёт.
Қорақалпоқдан то Ҳирот
Эсар Жайхун шамоллари.

Оқар дунё турган қадар,
Бир қафт куми — дур, ганж қадар.
Термиздан то Урганч қадар
Эсар Жайхун шамоллари.

О, она юрт, тупроқларинг,
Термизийлар, Куброларинг —
Мангу уйғоқ дарёларинг,
Эсар Жайхун шамоллари.

Комилжон ҳам Отажондир,
Санъат тонги отган жойдир.
Ҳар сабоси — оҳанг, жондир,
Эсар Жайхун шамоллари.

Эл-нурт ўсар — диллар ўсар,
Еллар эсар, гуллар ўсар.
Биз кетармиз — йиллар эсар,
Эсар Жайхун шамоллари.

Тинмас умр сафосидай,
Қутлуғ ҳаёт навосидай,
Мангу Ватан ҳавосидай
Эсар Жайхун шамоллари.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ОТАШИН ШОИР СИЙМОСИ САҲНАДА

Тарихий асарлар доимо театрларимиз саҳнасининг кўрки бўлиб келган. Ҳатто актёрларнинг маҳорат мезони сифатида саҳна ҳаётида алоҳида мавқеа касб этган. Сўнгги беш-олти йил ичида узоқ ва яқин ўтмишимиздан ҳикоя қилувчи тарихий асарларга кенг ўрин берилган шундан далолатдир. Зеро, бугунги авлодда ўтган аср бошида яшаб ўтган зиёлиларимиз, хусусан, қатагон қурбонларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи нафақат адабий асарлар, балки спектаклларга ҳам эҳтиёж бор.

Шу жиҳатдан кунини кеча Муқимий номидаги давлат мусиқа театри саҳнасида мухлислар эътиборига ҳавола этилган «Усмон Носир» спектакли премьераси эътирофга арзиғулик воқеа бўлди. Ўзбек халқининг ўнрақ шоири, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига бағишланган мазкур саҳна асари муаллифи истеъдодли ёш ижодкор Жавлон Жовлиев.



Алмаз УЛВИ, филология фанлари доктори, профессор, Озарбайжон Миллий Илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти «Озарбайжон-Туркменистон-Ўзбекистон адабий алоқалар» бўлими мудири

МАҚСУД ШАЙХЗОДА АДАБИЙ МЕРОСИ ОЗАРБАЙЖОНДА

Мақсуд Шайхзода аждодлари асли Озарбайжоннинг Қазақ туманига қарашли Салоҳли қишлоғидан. Ўзи эса Оқтош туманида туғилган (сўнгги тадқиқотларга кўра, у Тбилисида туғилган, ота-оналари кейинчалик Оқтошга кўчиб келишган). Уша пайтларда шоирнинг отаси Масим Шайхзода Тбилисида табиёт мактабининг битиргач, Оқтош туманига ишлаш учун юборилган, онаси ҳам Хотин-қизлар гимназиясида таҳсил олган зиёли аёл эди. Оқтош туманида қурилган янги оилада беш фарзанд улғаяди. 1908 йил 7 ноябрда туғилган Мақсуд Шайхзода ёш оиланинг тўнғичи эди.

У бошланғич таълимни Оқтошда — таниқли ойдинлардан Мухтор Афанди оған «Русдия» мактабиде олади. Сўнгра Бокудаги дорулмуаллимини тамомлайди (1920–1925). Мазкур даргоҳда Абдулла Шойиқ, Ҳусайн Жовид, Жаббор Афанди-зода, Мадина Ғиёсбейли, Жамобей Жабройилбейли сингари улкан зиёлилардан таҳсил олади. Мақсуд Шайхзода ўз истеъдоди, қобилияти, меҳнати билан билиминини бойитади. Дорулмуаллимини тугатгач, у миллий тафаккури, қизиқишлари туфайли

Догистонга сургун қилинади (1925–1927) ва у ерда икки йил ўқитувчилик қилади. Сургун ҳаётидан кейин Озарбайжонга қайтмаслик шарти билан собиқ совет социалистик Республикаларининг исталган бирида яшаши мумкин, мазмундаги хабарни олгач, у Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкентни танлайди ва 1928 йилда оиласини ҳам Ўзбекистонга олиб келиб, кейинги ҳаётини шу юртга боғлайди.

Маълумки, ўқувчилик йилларидеъқ унинг кўнгли адабиёт оламига ошуфта

бўлган. Ора-сира шеърлар машқ қиларди. 13 ёшида ёзган илк шеъри «Коммунист» газетасида чоп этилади. Шундай қилиб, шеърга боғланган ёш ўспириннинг толейи Боку семинариясидаги буюк шахслар — улуғ зиёлилар масканига элтади. Тенгдошлари — Маҳди Ҳусайн, Собит Раҳмон, Микоил Мушфиқ, Мухаммадхусайн Таҳмасп, Саид Рустамовлар билан бир даврда таҳсил олиши, шубҳасиз, унинг ҳаётида ўчмас из қолдиради. Унинг бу йиллардаги лирик асарлари «Шайхзода девони»да жамланган.

«Тошкентнома»да шундай сатрлар бор:

Умрим бини бўлди Озарбайжонда,
Кечди болалигим у гул маконда.
Низомий ватани, Ганжа ўлкаси
Ўпкамга тўлдирди шеър ҳавосин,

Кур наҳрим мулойим, тинч музикаси
Кўнглимда уйғотди куйлаш ҳавасин.



Лекин шоирликнинг нозик толеи Кўлди Сирдарёнинг ҳавзаларида...

Ҳазрат Навоийнинг ўпиб қўлини Ўзбек водийсида отимни сурдим, Ижод карвонининг узоқ йўлини — Азиз йўлдошлар-ла ўтолдим, юрдим.

Ўзбек диёрида яшаб ижод қилган Мақсуд Шайхзоданинг асарлари туғилган юрти — Озарбайжонда нашр қилиндини, қон-қардошлари унинг адабий меросини билишадими? Мазкур саволларга жавоб бериш учун эътиборингизга ушбу тадқиқотни ҳавола этишни истадик.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, атоқли корейс шоири ва таржимон Борис Пак таваллудининг 90 йиллигига бағишланган маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид азалдан диёримизда турли миллат вакилларининг самарали меҳнат ва ижод қилиб, ягона ва аҳил оила фарзандларидек яшаб келаётганларини таъкидлар экан, Борис Пак ҳаёти ва ижодига алоҳида тўхтади. Эллик йилдан ортқ вақт мобайнида Тошкент, Нукус, Алматы, Москва ва бошқа шаҳарлардаги босма оммавий ахборот воситалари ва нашриётларда унинг адабий-бадий, публицистик асарлари эълон қилинган. Хусусан, Юсуф Шомансур, Хайриддин Салоҳ, Тўлқин, Маъруф Жалил,

Ошиқ Эркин каби таниқли ўзбек, Холмурод Сапар, Сагидулла Аббозов сингари қорақалпоқ, Амет Мефаев, Решид Мурад, Сеитумер Эмин ва бошқа крим-татар ҳамда бир қатор мўғул шоирларининг ижодидан таржималари нашр этилган. Унинг бир неча шеър ва эртаклари мамлакатимиз умумтаъ-

Учрашувда Борис Пак ўз шеърларидан ўқиди, ижодий режалари билан ўртоқлашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида аъзоликка қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

лим мактабларининг ўзбек ва рус тилидаги ўқув дастурларига киритилган.

— Мени шу табаркур тупроқни ўз Ватаним деб биламан, — деди атоқли ижодкор Борис Пак. — Шу заминда ўсдим, улғайдим, ижод машаққати ва завқини англадим. Ўзбек шоирларининг ижод намуналарини баҳоли қудрат таржима қилдим. Бунинг учун шу юртдан жуда миннатдорман.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид мамлакатимизда адабиётни ривожлантириш, ижодкорларга зарур шарт-шароитлар яратиш ва ёшларни кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, янги аъзоларни адабий ва ижтимоий ҳаётда янада фаол бўлишга чақирди.

Хабарингиз бор, 2021 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан республикамизнинг турли худудларида яшаб, бадий ижод билан шуғулланаётган ёшлар ўртасида ҳар ҳафтанинг шанба кунлари «Хиёбон оқшомлари» ижод кечалари

ўтказиб келинмоқда. Ушбу адабий тадбирлар ҳисобот даврининг ўтган икки чораги давомида жами ўн икки марта ташкиллаштирилди. Республикаимиз бўйлаб ойига бир мартадан етмиш икки мартаба мушоиранинг худудий босқичлари ўтказилди. Мазкур тадбирларда юзлаб таниқли адиблар, адабиёт-шунослар, ноширлар, нашриёт жамоалари ҳамда ёшларнинг сеvimли хонандалари меҳмон бўлишди.

Адиблар хиёбонида «Хиёбон оқшомлари» мушоирасининг ярим йиллик якунларига бағишланган байрам дастури бўлиб ўтди. Тадбирга таниқли ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар таклиф этилди. Ёшлар мушоираси билан бошланган байрам дастури ғолибларни тақдирлаш маросимига уланиб кетди. Собир Унар, Зикрилла Невъмат ва Абдуразоқ Оброй сингари таниқли ижодкорлар мушоираларда энг фаол қатнашган ёшларни аниқлаб беришди. «Хиёбон оқшомларининг энг фаол иштирокчиси» номинацияси бўйича Фаррух Ҳасанов, Нуриддин Расулов, Насрулло Эргашев, Азиза Шокирова, Шахриёр Ибрагимов, Эркинжон Ҳожиматов, Масиҳуллоқ Мадаминов, Ҳилола Жўрақуллова, Мухаммад Сиддиқ ва Алишер Сабрий сингари бир гуруҳ қаламкашлар пул мукофотлари билан тақдирланишди.

**Жамол КАМОЛ,
Ўзбекистон халқ шоири**



ОЗАРБАЙЖОН

Қасида

Юрагимда меҳринг туйиб,
Остонамга қадам қуйиб,
Чиройингга боқдим туйиб,
Кутиб олдинг суйиб-суйиб,
Жоним сенга бўлсин қурбон,
Озарбайжон, Озарбайжон!

Тонг отарда қумушларинг,
Денгиз уза оқушларинг,
Куйлаганда нолишларинг,
Ширин-шакар қулишларинг
Бағш айлади жонимга жон,
Озарбайжон, Озарбайжон!

Турон элим, Ширвон элим,
Бағри олов Аррон элим,
Низомийга дoston элим,
Насимийга армон элим,
Қадим қалъа, буюк кўргон,
Озарбайжон, Озарбайжон!

Гўзаллардан гўзалимсан,
Фузулида ғазалимсан,
Ланкаронда асалимсан,
Сумгаида машъалимсан,

Мангу баҳор, боғу бўстон,
Озарбайжон, Озарбайжон!

Сайроғинг баҳри Ҳазар,
Чўлларингда райхон ўсар,
Боғларингда сабо эсар,
Сарҳадингни тоғлар тўсар,
Яшил диёр жаннатмакон,
Озарбайжон, Озарбайжон!

Саккиз қирра юлдузинг бор,
Кечаларда кундузинг бор,
Жанубларда нуфузинг бор,
Нажафинг бор, Табризинг бор,
Байроғингда яшар осмон,
Озарбайжон, Озарбайжон!

Дўстларинг бор, душманинг ҳам,
Чекдинг жафо, жабру алам,
Олга босдинг қадам-қадам,
Бугун яна сен мухташам,
Нурли йўлда улуг қарвон,
Озарбайжон, Озарбайжон!

Истиқлол даврони кечмас,
Гўрўғининг номи ўчмас,
Шаҳидларнинг шони ўчмас,
Яшар қутлуғ қони, учмас,
Золимларга етгай қирон,
Озарбайжон, Озарбайжон!

Қорабоғинг озод бўлур,
Вайрон эса, обод бўлур,
Йўллариди шамшод бўлур,
Шум ниятлар барбод бўлур,
Замон келур омон-омон,
Озарбайжон, Озарбайжон!

Тангри бермиш бардош сенга,
Авлиёлар сирдош сенга,

Меҳрибондир қуёш сенга,
Ўзбек яқин қардош сенга,
Яна қанча дўст-қадрдон,
Озарбайжон, Озарбайжон!

Дарёларинг суви тотли,
Булоқларинг шарофатли,
Чаманларинг тароватли,
Қизларинг гул латофатли,
Йигитларинг бургутсимон,
Озарбайжон, Озарбайжон!

Ҳайдар Али илҳом этар,
Булбулларинг муғом этар,
Самад Вургун калом этар,
Жамол Камол давом этар,
Яша, юксал, эй жонажон,
Озарбайжон, Озарбайжон!..

УСТОЗ МУАРРИХ

Тарихчи олим Қахрамон Ражабовга

Неча бир айёмлар ўзбек элининг
Кулоғи қар эди, балки кўзи қур,
Нечук содир бўлди, бунинг шарҳини
Тарихчи Қахрамон Ражабовдан сўр.

Юрти қарам бўлса, халқи ҳам абас,
Туриши-турмуши занжирга тушгай,
Фақат бугунимас, эртаси эмас,
Хаттоки ўтмиши асирга тушгай.

Бир юз эллик йиллик асорат ичра
Занжирбанд этилди боболаримиз,
Куллик деб аталган қабохат ичра
Зиндонга ташланди даҳоларимиз.

Соҳибқирон Темури бизга етти ёт,
Бухорий, Яссавий бўлди бегона,

Дунёда ёлғиз бир халқ эди, ҳайхот,
Улуғлик бобида юксак, ягона...

Аммо ҳақ йўлига эврилиб фалак,
Пардалар йиртилди, сирлар очилди,
Баҳорда чиққандек кўркем камалак,
Китоблар нур бўлиб элга сочилди.

Чикиб келаверди буюкларимиз,
Уларнинг пойини ўлдик, эгилдик,
Афросиёб шоҳни таниб олдик биз,
Файзулла Хўжаев кимлигин билдик...

Менинг айтганларим дарёдан томчи,
Ёзган китобларинг вази олдида,
Муस्ताқиллик бўлди сенга илҳомчи,
Лол қолдик қаламинг азми олдида.

Эй Қахрамон укам, ёздинг, ёза бер,
Ёзиш, изланишдан тўхтама бир он,
Тарих қатларини чуқур қаза бер,
Ҳақиқат аслини айла намоеён.

Тарих танасини чирмаб-чандилаб,
Айқашиб ётибди қанча ёлғонлар,
Уларни сен каби ҳақиқат талаб
Инсонлар айтсалар, битар армонлар.

Маддоҳлар топилар ҳамон ватанда,
Мансабдор зотига пахта қуйгувчи,
Бизга авлод керак, эвоҳ деганда,
Юртига, элига жони куйгувчи.

Шулар ҳақида ҳам ёзгил, ёйилсин
Ўзбек диёридан жаҳонга тарих,
Олтмишга кирибсан, муборак бўлсин,
Эй жонажон укам, устоз муаррих!..

Дилшода САЙДОЛИМОВА
ПОЪЛАР БОШИ ТУМАНЛИ



АЗИЗ ТУПРОҒИМ

На офрик бор юрагимда, на шодман,
На соғинч бор, на афсус, на бедодман.
Хотиралар қушлар каби тизилган,
Кўзёшларим булоқдайин сизилган.

Ич-ичимдан келар сассиз бир нидо,
Ўтган кунларимга айтганча видо.
Тумандай тарқайди хом хаёлларим,
Дарёга қўшилган жилгаман гўё.

Бугун шонга буркаб айтарман сўзим,
Ватандир — муқаддас энг азиз туйғум.
Ўзбекистон ўзинг — эътиқод, имоним,
Жоним фидо сенга, азиз тупроғим.

ТОНГ

Бугун кўкни қамайди
Севгимнинг хаёллари,
Ёруғ кунни бошлайди
Тонгнинг оқ рўмоллари.

Кичкина бойчечаклар
Келтиргандай баҳорим.
Яратгайдир бу дамлар,
Эртанги шод наҳорим.

Майли, кеча қор ёғди,
Бутун борлиқ муз қотди.
Ёшлиқданок ҳижронинг
Юракда томир отди.

Биз қўл силтаб уйинни
Қайта бошдан бошладик.
Учирган бахт қушини
Эслаб дилни гашладик...

Бугун кўкни қамайди,
Севгимнинг хаёллари.
Ёруғ кунни бошлайди,
Тонгнинг оқ рўмоллари.

ХАЛҚОНА

Кўлдан учган ўрдақимиди, ғозимиди,
Бу дунёда кўргилигим озмиди?
Ўзга гулнинг шайдосига кўз тикмай,
Ёлғизгина ўтганларим созимиди.

Юлдузларга тавалло деб йиғлайман,
Бахт қушимни қачон кўкдан туширгай.
Ошиқларим носасидан қулгайман,
Мажруҳ кўнглим улар қайдан тушунгай.

Бўйларингдан ўргилайин, бўз йигит,
Бўйгинаси бўйларимга тенг йигит.
Телба кўнглим англамасанг кетайин,
Қирга чиқиб, лола бўлиб битайин.

Пода келди бош-бош,
Обғингга нуқра тош.
Нуқра тошни олайлик,
Кўк сандиққа солайлик.

Нуқра тошнинг ёши бор,
Ёнида йўлдоши бор.
Подасидан айри кўзичоқ,
Мужғониди ёш — мунчоқ.

Пода тарқаб, подачи қолди,
Отлар йўқдир, тақачи қолди.
Бир дунё бор — бозордан қайтди,
Бир дунё бозорга йўл олди.

Пода келди бош-бош,
Обғингга нуқра тош.
Нуқра тошни олайлик,
Кўк сандиққа солайлик.

Тоғлар боши туманли,
Менинг қалбим гумонли.
Севар ёрим келмади,
Кутганим эҳ, билмади.

Келмасанг, мен борай, ёр,
Боққил, олам фусункор.
Қирда чечаклар очар,
Бизни қаршилар баҳор.

ЭСИНГДАМИ?

Эсингдами, кўкка кўз ташлаб,
Ул кеч ёмғир кутгандик бизлар.
Эсингдами, титраб, жунжикиб,
Томчиларга термулган кезлар?

Бугун яна намчил қир-адир:
Ёмғир ерга ёяр тўрини...
Бу дам сен ҳам балки қайдадир
Кузатарсан томчи дурини.

Ёмғир ювар гулни, япроқни,
Ариб борар ғубор оламдан.
Йўқ, ёмғирмас, кўнча тупроқни,
Мен ювянган чашми жоламдан!

Жилоланиб бормоқда олам,
Бир тиниқлик атрофда кезар.
Ойдинлашган сайин хотирам,
Сенинг ёдинг дилимни эзар.

Ёмғир, бас қил, ариқлар тўлди,
Аритгандай бўлдинг дардимни.
Мен ҳам сени тинч қўяй, бўлди,
Томчиларинг ювди қалбимни!

Майли бугун истасанг,
Капалак бўл. Учиб юр.
Боғда гуллар ранг-баранг —
Баҳор фаслин завқин сур.

Ҳеч ким тўсмас йўлингни,
Ҳаёт шундай хотамтой:
Завққа кўмиб дилингни,
Оламга берар чирой.

Шаҳноза РЎЗИЕВА

СЕНИ СУЙГАНЛАРИМ...



Севаман демоққа йўқдир забоним,
Мен сени севаман демай севаман.

РОСТДАН

Ёлғончим, ёлғонда маҳоратлигим,
Қайноқ бу юраги ҳароратлигим,
Фақат ўз майлига садоқатлигим,
Сени суйганларим рост эди менинг.

Кулдинг, кўнглим олдинг, муродга етиб,
Кулдинг устимдан ҳам, бағрим қон этиб,
Сенга келгунимча ва сендан кетиб,
Кулмай қўйганларим рост эди менинг.

Сайёҳим, дилимни бир бор кездингда,
Сайёдим, ярадор қушдан бездингда,
Уйин деб ўйлаган сенинг наздингда,
Ёлғон куйганларим рост эди менинг.

Ҳавойи ишқ энди ёқмас танимни,
Топдим чин муҳаббат, тинч масканимни,
Билгунча хатоим, адашганимни,
Жондан тўйганларим рост эди менинг.

ДЎППИ

Орзуим шу, хавотирим шу,
Менга ўзи ярашармикан?
Нима деб ўйлайди одамлар
Дўппи қийсам, қулишармикан?

Қизлар қийса тadbирлар пайти,
Болаликка кетар хаёллар.
Биллолмадим қандай сабабдан
Дўппи қиймай қўйди аёллар.

Гўзаллигуну нафосат учун
Бугун ҳамма нарса муҳайё.
Олмоқ истаганларга бугун
Бозорларда дўппи йўқми ё?

Эскирдими миллий қадрият
Ёки бошқа сабаб бормикан?
Суриштириб кўрсам, во ажаб,
Дўппи учун таъқиқ йўқ экан.

Жавоб топиб қўйишим керак,
Ҳайронларга нима дейишим.
Аммо аниқ журъатим йиғиб,
Эртагаёқ дўппи қийишим.

САДОҚАТ

Нега олислардан излаб юрасан,
Шундоқ ёнгинангда турибман кутиб.
Ёстигим намидан униб, яшнаган
Табассум гунчасин ҳар тонгда тутиб.

Нахот, тушунмайсан ташлаб кўз қирим,
Изҳорим минг бора этганим ошкор.
Кимнидир ўзимдан ортиқ кўришим,
Бутун олам билди, сен билмадинг ёр.

Гулчеҳра АСРОНОВА



қишнинг ўртасида қирқма қовун ейман
деса бўладими. Қайнота бўлмишининг “ҳо-
зирги замонда бозорда жондан бошқа
ҳамма нарса бор” деб гердайиб олиб кел-
ган қовунига киё ҳам боқмади, қиз туш-
магур. Кўнгли чўлнинг қовунини тусанган-
миш! Опаси Жиззахга тушган, ўшаникига
меҳмонга борганда егану мазаси оғзида
қолганмиш...

Саодат азза-базза чўлга кўнғироқ
қилдириб, келишиб олди. Ўзи ҳам боши-
дан ўтказган, ахир. Лекин у пайтлар дала
билан уй ўртасида “нима ёгин келяпти?”
деб сўрайдиган марднинг ўзи йўқ эди.
Худо етказган ўзгаришлар учун ўзини ма-
ломат қилганиди, ўшанда... Ҳозир замон
бошқа, йилнинг тўрт фаслида кўнглинг
тусанганини топасан. Етти ухлаб тушинга
кирмаган ишлар бўляпти. Тупканинг таги-
даги қишлоғида ҳам етти қават “дом”лар
қурилди, набиралари мактабда бармоқ
тегса ёздайдиган доскада таълим оляпти,
аллақерда машиналар учаётганмиш...
Лекин аёл зотининг бошқоронғулик
савдоси ўша-ўша: атои Худо бу хислат
шуурини ҳар қўйга солади, истакларга
бўйсундиради, оламининг кўзга кўрин-
ган-кўринмаган гўзалликларини қайта
англашга мажбур этади, жамики лаз-

ҚОВУН ТИЛИМИ

затларни кўпинча ақл бовар қилмас бир
парча ньёматга жойлаб қўяди ва соҳибни
қудратнинг қаромати ила яна бир Одам
бинога келди!

...Мана, шу кенжа ўғли — ўттизга кир-
май кўзи хиралашиб қолган, ми-
нус неччиам кўзойнақ тақаяпти. Ҳар
бахор ранги бўздек оқариб
қолади. Еб-ичиш, парваршидан
ками йўқ. Ҳўв ўшанда кам бўлган, она қор-
нида қантарилган! Шунақа ўйлар бостириб
келади гоҳида...

— Ёмғирни қара! — ҳийла авзойи очи-
либ келган Акбаралининг гапи хаёлини
бўлди. — Ҳеч замонда қишда шунақа
ёмғир ёққанми, а?

— Нимасини айтасиз, ҳали-бери ти-
надиган сиёғи йўқ. Қор ёғсайди бунинг
ўрнига! — деди-да, қутиш юқини енгилла-
тиш учун атай кенгроқ мавзудан гап очди:
— Салима холам яна шаҳардаги қизиникига
кетибди, билдингизми?

— Қуринмай қолувди, пайқадим. Нима
гап экан ўзи?

— Ээ, дадаси, пучуқ келиннинг ҳуна-
ри кўп экан. Болалари катта бўлиб ёнига
кириши билан қайнона ортиқча бўлибди.
Холам шўрлик қиш ичи гурс-гурс йўтал-
ди, биров духтирга кўрсатай демади.

ҲИКОЯ

— Одамми ўзи бу келин!
Сардор-чи, ё Россиядами?
— Шу ерда, лекин чурқ этолмайди.
Ихволига қувё Россияда экан, қизиникида
беминнатгина ўтирибди. Шаҳарда дами
қайтади дерди, чидаётгандир фарибгина.

— Аттанг, эсиз! Олим тоғам билан бу-
ларни оёққа турғазгунча кўрмаган қуни
қолмаган. Чолидан кейин хор бўпти. Кат-
таси Собир ҳартугул ориятли йигит эди,
умри қисқа экан. Менга қара, узоқ бўлсаям
уруғимиз, хабар олиб қўйиш керак.

Гурунглари дардга айланди, юраклари
ззилди... Эрта-индин имкон қилиб хола
йўқлаб келадиган бўлишиди. Саодатнинг
ёдига қайнонасининг гапи тушди. “Шу Са-
лима жуда инжиқ бола боқади-да, — деган
эди раҳматли. — Бу гажирилари тўққунча
нақ етти ойлаб қилтомоқдек овқат еёл-
май тўшақка михланиб қоларди. Айвон-
да оғзини каппа очиб ётар, Олим шўрлик
пашшасини ҳайдаб ўтирарди... Мана энди

чурвақаларнинг олди мактабни битиряпти.
Лекин бир-биридан тантиқ!”
Уч соатлар деганда довон ошган тансиқ
қовун етиб келди. Ёмғир ҳам шуни пойлаб
тургандай таққа тинди.

...Дарвозадан кирароқ ҳовли этагида
қунишиб ўтирганча нимандир ишқалаб
юваётган келинга кўзи тушди. У ўрнидан
дик этиб туриб салом берди-да, қўлида-
гини ичкарига олиб кириб кетди. Акбарали
сўз қотди:

— Тезда сўйиб, келинни қақир.
Саодат қовунни лаганга тилимлаб сол-
ди. Ҳавони қирқма қовуннинг беғубор иси
тутди. Акбарали бир тиликнинг четини
синдириб: — Қани, шунча таварик қилган
қирқмаси қанақа экан. Бисмилло, — деб
бир тишлади-ю, юзи бужмайиб кетди: —
Эҳ-ҳе, думбул ҳам бундан ширин-у!

— Ҳай, секин?..
Саодатнинг қўллари бўшашиб туш-
ди. Татиб кўрди — ҳақиқатан, маза-матра
йўқ...

Дастурхон устида қайнона-келин ёлғиз
қолдилар. “Олинг-олинг” билан бошлаб
берган Саодат келинчагига хавотирли
боқиб турарди. Унинг эса кўзлари юлдуз-
дек порлаб, тамшаниб-тамшаниб қовун
ер, ҳар ютганда бошини тебратиб мактаб
қўяди:

— Айтдим-ку, чўлники бошқача деб!
Мазза-я, а, аяжон?
— Ҳа, болам, жудаям ширин. Етказгани-
га шукур!

